

Фойда солиғини аниқлашда даромад ва харажатларнинг туркумлиниши

Банк-молия академияси магистранти

Азиза Асатуллаева

Кириш. Бугунги кунда Республикамизда давлат бюджети даромадларининг асосий манбайи сифатида билвосита солиқлардан кенг фойдаланилаётган бўлсада, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришда бевосита солиқлар. Шу жумладан фойда солиғи кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунда фойда солиғи ставкасини пасайтириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантиришга имкониятлар яратиш ва фойда солиғи базасига қайта қўшилувчи харажатлар таркибини ихчамлаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар. солиқ тизими, фойда солиғи, хўжалик юритувчи субъектлар, соф даромад.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқ тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи муҳим ва зарур шартлардан бири узок вақтлардан буён солиқлар орқали иқтисодиётни бошқаришнинг энг таъсирчан воситаларидан бири сифатида самарали фойдаланиб келаётган ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини пухта ўрганишдир. Дунё мамлакатлар солиқ тизими ушбу мамлакатларда мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитларга боғлиқ равишда тараққий этади. Бунда мамлакатимиз ривожига ўзининг ҳиссасини маълум даражада қўшиб келаётган ривожланган Япония, Жанубий Корея ва Германия, АҚШ, Россия ҳамда Грузия мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш муҳим ва мураккаб илмий тадқиқот ҳисобланади. Бу ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизими солиқларнинг ундирилиши, таркиби,

ва ставкаси ҳисобланиш усули билан биздаги солиқ тизимидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади.

Бозор иқтисотисодиётида мулкчиликнинг турли шакллари ташкил топиши ижтимоий жараёнларнинг демократизациялашувчи, солиқ тизими орқали бошқаришнинг аҳамиятини оширган ҳолда солиқ тизимининг такомиллаштиришда асосий эътиборни унинг бошқарув билан боғлиқ вазифалари самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Ҳар бир мамлакат ўзига хос солиқ тизимига эга, аммо уларнинг бирортаси бошқасининг тартибларидан нусха кўчирмайди.

Ривожланган хорижий давлатларда ҳам юридик шахслар ўз фаолиятлари давомида эга бўлган даромадларидан фойда солиғи тўлайдилар. Ушбу давлатлар солиқ тизимида ҳам корхоналар олинadиган фойда солиғи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазкур солиқнинг кўпгина умумий хусусиятларга эгаллиги билан айна пайтда бир-бирдан фарқ қилишини ҳам таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида корхоналар фойдасидан олинadиган солиқлар бўйича назарда тутилган ўзгаришларга иқтисодчи олимлар ва экспертлар томонидан турлича фикрлар билдиришди. Жумладан, профессор Ш.Тошматовнинг фикрига кўра "Ъдивиденд солиғи ставкасини пасайтириш лозим, шунингдек, фойда солиғининг сақланиб қолиниши нафақат давлат бюджетини тўлдиришда фискал вазифани, шу билан бирга фойдани шакллантириш ва унинг ҳисобини юритишдаги мулкдорнинг масъулиятини ҳам оширишда катта хизмат қилади. Мустақил эксперт Й.Юсуповнинг фикрича¹ юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ўрнига дивиденд солиғининг жорий қилиниши натижасида фойда ва дивиденд солиқлари бирлаштирилади. Шунингдек, бизнесда инвестицион фаолликни рағбатлантиради (киритилган инвестиция харажатларига солиқ

¹ <https://finansist.uz> — интернет сайти.

солинади), ҳамда солиқ маъмуриятчилигини анча соддалаштиради (фойда солиғи — ҳисоблаш учун жуда қийин).

Амалга жорий этилган солиқ концепциясига қўшимча равишда қуйидаги амалий тавсияларимизни ҳам қўшимча сифатида киритмоқчимиз:

➤ Солиқ ҳисобот шакллари тўлдиришда йўл қўйилаётган камчиликларни олдини олиш мақсадида солиқ ҳисобот шакллари автоматик тарзда тўлдириш механизмини такомиллаштириш;

➤ Корхонанинг молиявий натижаларини шакллантиришда инобатга олинган харажатлар таркибини ҳисобот шаклларида кенгроқ очиб бериш;

➤ Хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлар бўйича маълумотларини янада аниқроқ қилиб тақдим этиши масаласини йўлга қўйиш бунинг учун ҳисобот шаклларида корхонанинг даромад сифатида қаралмайдиган тушумларини ҳисобот шаклларида тўлиқ очиб бериш;

➤ Ҳисобот шаклларидаги молиявий натижаларнинг (240 – сатри) Фойда солиғининг (010 – сатри) ва қўшилган қиймат солиғининг 0102 – сатри маълумотларини автоматик тарзда маълумотларни қабул қилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган юридик шахсларнинг мол-мулк солиғининг рағбантлантирувчилик хусусиятини ошириш мақсадида илмий асосланган солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, бу минимумнинг жорий этилиши эндигина ўз фаолиятини бошлаган, иқтисодиёт учун муҳим тармоқда фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бир мунча яхшилашга хизмат қилган бўлар эди. Корхона имтиёздан бўшаган маблағни ишлаб чиқаришга қайта жалб этиши натижасида эса, унинг келгусидаги солиқ базаси кенгайтирилишига эришилган бўлар эди. Келгусида солиққа тортиладиган базанинг кенгайишидан эса давлат бевосита манфаатдордир. Бугунги кунда эса, ривожланган мамлакатларда бу амалиётдан кенг миқёсда фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: — Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018 й. -76 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси: Расмий нашр -Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — Т.: «Адолат», 2018 й. – 456 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат Солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. 1997 йил, 29 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги “Республика солиқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича Эксперт комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ф-4999 сонли Фармойиши.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5587-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизминини кенгайтириш чора — тадбирлари тўғрисида»ги 4337 – сонли Қарори
7. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. –Т: «Шарқ», 2009. –448 б.
8. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. –Т.: ТМИ, 2002, 115 б.
9. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 118 -б.